ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 6 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01129

ЭКОЛОГИК ХОСЛАНГАН (ЯДРОВИЙ) ВА ПЕРИФЕРИЯ (ЧЕГАРА)ДАГИ ТЕРМИНЛАР ҲАМДА УЛАРНИНГ ЛИНГВИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Замира Ахмедовна Джурабаева
Андижон давлат университети доценти

АННОТАЦИЯ

Мақолада лексемаларнинг мазмуний майдони ядро, марказ ва марказдан ташқари қисмларга бўлиб юборилгани, ўзбек тилидаги экологик терминлар системасига кирган лексик бирликлар ҳам система ичида тутган ўрнига кўра экологик тушунчани ифодалаш учун хосланган ядровий терминлар, экологик перифериядаги терминларга бўлиб ўрганилиши мақсадга мувофиқ эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Калит сўзлар: Экологияга оид терминлар системаси, экологик тушунчани ифодалаш учун хосланган ядровий терминлар, экологик периферия (чегара)даги терминлар.

КИРИШ

Ҳозирги тамаддун глобал экологик муаммолар: иқлим ўзгариши, озон қатламининг емирилиши, ичимлик суви танқислиги, биологик хилма-хилликнинг қисқариши, чиқиндиларни зарарсизлантириш ва бошқалар билан тўқнаш келмоқда [1. Б.7]. Замонавий илм-фан, техника тараққиёти шуни кўрсатмоқдаки, табиат ва жамиятда юзага келган юқоридаги каби экологик зиддиятларнинг ечими билан шуғулланишга экология фани ожизлик қилади. Сайёрамизнинг келажагига дахлдор бўлган ушбу муаммони бартараф этиш масаласи устида бош қотириш бошқа фанлар қатори тилшунослик фани зиммасидаги долзарб вазифалардан саналади.

Тил инсон ва табиат ўртадаги муносабатларнинг мураккаб ва айни чоғда унсурлараро ўта зиддиятли тури сифатида нафақат тилшунослик ва айни пайтда экология фанида ҳам муҳим аҳамиятга касб этади. Экологияга оид терминлар системаси устида жиддий монографик изланишлар олиб бориш орқали ушбу эзгу ишга муносиб ҳисса қўшиш мумкин.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01129

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Д.Харрисоннинг фикрича: «Биз билимларни минг йиллар орқага ирғитган ҳолда, ахборотлар ва маълумотлар қимматбаҳо метериал сифатида баҳоланаётган информацион жамиятда яшаяпмиз. Йўқолиб бораётган тиллар билан биргаликда уларда қайд этилган ўта ноёб маълумотларни ҳам мангуга бой бераётганимизни билмаймиз. Ушбу тилларни сақлаб қолсак, табиатдаги турлар ва экотизимларнинг ҳам сақланиб қолинишига яқиндан ёрдам берган бўламиз» [10].

«Ер юзидаги тилларнинг рангинлиги фақат улардаги товушларнинг турличалигида эмас, балки халқлардаги дунёни кўришнинг хилма-хиллигидадир» [3. Б.349]. Шунга кўра ўзбек халқи ҳам азалдан бошқа халқлар қатори табиат ва ундаги нарса-ҳодисаларни алоҳида лексик бирликлар ёрдамида номлаб келган. Уларни табиий, ўз ҳолида сақлаш масаласи урф-одат, удум даражасига кўтарилган. Шунга кўра тилимизда экологик аҳамиятга эга бўлган терминларнинг катта базаси шаклланган. «Ҳар қандай фанни ўрганиш, ўзлаштириш учун унинг алифбосидан – терминологиясидан хабардорлик зарур бўлади. Маълумки, фаннинг катта-кичик асосий тушунчалари бевосита терминлар орқали ифодаланади, терминлар ҳар қандай фан тилининг асосини ташкил этади» [5. Б.5].

Тўплаган материалларимиз шуни тасдиқлайдики, ушбу системага кирган терминлар лексик-семантик, функционал-услубий, структур жиҳатдан бир хил мавқега эга эмас. Улар бизни қуршаб турган муҳитдаги нарса-ҳодисалар, воқеалар ва жараёнларнинг алоҳида ифодалари сифатида эмас, балки ўзаро боғланган, бир бутун систем тузилманинг маълум бир турлари сифатида гавдаланади [6. Б.276].

Система тушунчасида бир қанча объектларнинг бирлашиши ва уларнинг ўзаро муносабатлари жамланган бўлади. Система доирасига кирган ҳар бир объект шу системанинг элементи ҳисобланади [4. Б.33].

Ўзбек тилининг лексик системалари бўйича илмий изланишлар олиб борилган илмий ишларида лексемаларнинг мазмуний майдони ядро, марказ ва марказдан ташқари (чекка) қисмларга бўлиб юборилган. Ўзбек тилидаги экологик терминлар системасига кирган лексик бирликлар ҳам бундан мустасно эмас. Уларни система ичида тутган ўрнига кўра иккита катта гуруҳга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ:

1. Экологик тушунчани ифодалаш учун хосланган ядровий терминлар.
2. Экологик периферия (чегара)даги терминлар.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01129

Экологик ядровий терминларда экологик сема марказий сема ҳисобланса, экологик периферия (чегара)даги терминларда экологик сема чегара сема бўлади. Улар ана шу чегара сема билан экологик лексик-семантик парадигмага бирлашади. Масалан, экология билан боғлиқ терминлар системасида муҳим аҳамиятга эга бўлган бенто**с** – сув ости организмлари, бентофаг – денгиз остидаги тирик организмлар билан озиқланадиган ҳайвонлар номи, демутация – ўрмоннинг инсон таъсирида ўзгариши, ўрмон системасининг ўзидан ўзи ривожланиши, детрит – органик лойқа, чиринди; эрозия – емирилиш, смог – тутун ва туман аралашмаси, чўллашиш, саҳроланиш, иқлимлаштириш, тиндиргич, чанглашиш каби лексемаларда терминга хос бўлган барча хусусиятлар, яъни муайян фан(бу ўринда экология соҳаси)га оидлик, маълум бир тушунчани аниқ ифодалаш, ишлатилиш доираси чегараланганлик, қисқалик каби белгилар мавжуд [9. Б.104].

Қўриқхона, буюртмахона, парваришхона, ботаника боғлари, дендралогия боғлари, питомник, плантация каби терминларда ҳам мазкур ҳолатни кузатиш мумкин. Қўриқхона (заповедник) – хўжалик мақсадларида фойдаланишдан ажратиб олинган ва жиддий режимда муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд; ботаника боғлари – илмий, ўқув, янги нав етиштириш каби мақсадларни кўзлаб маълум бир ҳудудда экиб ўстириладиган табиий флорадан ташкил топган ўсимликлар коллекцияси; дендралогия боғлари – очиқ майдонга экилган манзарали дарахт ва буталардан иборат боғ; питомник – ўсимлик ва ҳайвонлар ўстириладиган ва кўпайтириладиган, ўрганиладиган махсус жой ва шу каби.

Шунга кўра уларни экологик хосланган ядровий терминлар сифатида талқин қилиш ўринли бўлади.

НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМА

Таъкидлаш лозимки, экологияга оид ядровий терминларнинг марказини бутун система учун «таянч» вазифасини ўтовчи экология термини эгаллайди. У доминант лексема сифатида системадаги тармоқланишлар учун асос вазифасини ўтайди. Мазкур лексема воситасида ҳосил қилинган лексик бирликларнинг мазмун-моҳиятини тушуниш бизга экология фанининг мақсад ва вазифалари ҳақида аниқ тасаввурлар ҳосил қилиш имконини беради.

Тилимизда экология термини иштирокида ҳосил қилинган экологик онг, экологик билим, экологик маданият, экологик ҳаракат, экологик тоза, экологик муносабат сингари кўплаб бирикма терминлар фаол қўлланилади. Уларда жамиятнинг атроф-муҳитга, табиатга нисбатан бўлган ижобий муносабатлари у

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01129

ёки бу даражада ўз ифодасини топган бўлади. Экологик кулфат, экологик хавф, экологик танглик, экологик инқироз, экологик яроқсиз каби терминларда эса бунинг акси кузатилади. Мазкур терминларнинг ҳар бири экология фанида ўз таърифига, изоҳига эга. Масалан, инсоннинг табиатга кўрсатаётган таъсири натижасида табиатда содир бўладиган табиий офатлар, иқлим ўзгаришлари, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсининг йўқолиб кетиши билан боғлиқ муаммоларга экологик муаммолар; биосфера ёки унинг қисмларида янги сифат ўзгаришларга олиб келадиган ўзгаришларга экологик кризис; бир-бири ва атроф-муҳит билан ўзаро муносабатда бўлган организмларнинг йиғиндисига экологик системалар (экосистемалар) дейилади ва ҳ.к.

Экологик билим, экологик вазият, экологик депрессия, экологик келишув, экологик кузатиш, экологик маданият, экологик мувозанат, экологик муҳит, экологик омил, экологик пирамида, экологик тозалик, экологик уюшма, экологик ўзгаришлар, экологик хавфсизлик, экологик ҳолат, экологик шароит, экологик система (экосистема), экологик системаларни моделлаштириш, экологик озиқ занжири, экологик тоза ёқилғи, экологик ҳолатни оптималлаштириш, экологик ҳолатни соғломлаштириш, экосистема компонентлари, экосистемали даража, экосистеманинг шаклланишини, экосистеманинг юқори яруси, экотизим каби экологик хосланган ядровий терминларда экологик терминлар системасининг ўзига хос томонлари юзага чиқмоқда. Ушбу терминлар экология фанининг моҳиятини, табиат ҳамда жамият ўртасидаги муносабатларни тушунишда муҳим аҳамият касб этади.

Система ичида система тамойилига кўра экология фанининг ички бўлинишларини ифодалайдиган аутэкология – айрим турларнинг улар яшаб турган муҳит билан ўзаро муносабатини, турларнинг муҳитга кўпроқ ва узвий мослашганлигини; хусусий экология – ўсимлик ва ҳайвонлар экологиясини; синэкология – ҳар хил системалар (популяциялар, жамоалар ва экосистемалар)нинг тузилишини, хоссаларини ҳамда уларнинг функционал принципларини ўрганувчи соҳа [8. Б. 44]. номларини ифодаловчи экологик хосланган ядровий терминларнинг ҳар бири тилимизда ўзига хос терминологик системачаларни ҳосил қилади. Масалан, кимёвий экологияда модда, саноат чанги, технология, биофильтр, пестицид каби экологик хосланган ядровий ҳамда чиқинди, тозалаш, атроф-муҳит, тутун, ҳид, чанг, оқова, сассиқ, ифлослантириш сингари периферия (чегара)даги терминлар фаол қўлланилади. Ушбу сўзларнинг ҳар бирида атроф-муҳитни тоза, озода сақлаш, сув, ҳаво, тупроқ, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01129

билан боғлиқ тагмаъно ётади ва буни очиб бериш нафақат кимёвий экология, балки тилшунослик фани учун ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Экологик терминлар системаси мунтазам равишда бойиб, кенгайиб бормоқда. Юқорида санаб ўтилган ижтимоий экология, умумий экология, хусусий экология, саноат экологияси, полуэкология, биоэкология, геоэкология, космик экология, гидроэкология каби соҳаларнинг ҳар бири ўз ичида юзлаб лексик бирликларни жамлаб келади ва экологик терминлар системасининг таркибий қисмлари саналади.

Иккинчи томондан экологик терминлар системасида кўчатхона, ўрмон, қурғоқчилик, жазирама, ўрмон ёнғини, иқлим ўзгариши каби кўплаб лексемалар ҳам қўлланиладики, уларсиз экологик билимларимизни ва экологик маданиятимизни тасаввур қилиш қийин. Мазкур лексик бирликларда периферия (чегара) семаси устунлик қилади. Улар сон ва сифат жиҳатидан экологик хосланган ядровий терминларга нисбатан устувор саналади. Чимзор периферия (чегара)даги термин изоҳига эътибор бериб кўрайлик. Мазкур лексик бирлик тилимизда фаол ишлатилади ва маъноси барчага тушунарли.

Чимзор – чим босган жой, ажриқзор [7. Б.486]. Қишлоқ четидаги чимзор болаларнинг севимли жойи эди. Болалар сигир, қўй-эчкиларини шу ерга олиб келиб боқишар, футбол ўйнашарди.(Ўролбой Қобил. Бир парча ер)

ХУЛОСА

Айтилганлардан англашиладики, ўзбек тилида экологик терминларнинг катта бир захираси мавжуд ва улар устида монографик тадқиқотлар олиб бориш бизга экологик билимларимизни мустаҳкамлаш, жамиятнинг экологик онги ва экологик маданиятини ривожлантиришда яқиндан ёрдам беради.

Экологик терминосистема ўзининг кўлами, метериалларга бойлиги ва ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Унда кўплаб ономастик номлар ҳам учрайди. Бу каби номларсиз экологик терминлар системасини тасаввур қилиш қийин. Гарчи ономастик номлар экологик аҳамиятга эга терминлар сирасига кирмаса ҳам, ўрни билан ёндош ҳодиса сифатида уларга тўхтаб ўтишни жоиз деб топдик.

Ўзбек ономастикаси устида жиддий изланишлар олиб борган Э.Бегматов ва Я.Авлоқуловнинг фикрича: «Тилнинг ономастик кўлами» деб юритилаётган умумий тушунча, яъни суперкўлам, ўз навбатида, бир қатор макрокўлам, микрокўлам ва кўламчаларнинг ўзаро боғлиқлиги ва муносабатидан ҳамда мана шундай мураккаб хусусиятларнинг ўзига хос тизимидан иборат бўлган

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01129

кўпқиррали лисоний ҳодисадир» [2. Б.55]. Шундай ономастик номларнинг айримлари экологик терминлар системасидан ҳам кузатилади. Жумладан:

1. Экология билан боғлиқ ташкилотлар ва корхоналар номи: Табиатни муҳофоза қилиш давлат қўмитаси, Давлат бош экологик экспертизалаш бошқармаси, Ер ресурслари давлат қўмитаси, «Экосан» жамғармаси, Оролни қутқариш халқаро фонди ва ҳ.к.

2. Қўриқхона, буюртмахона, миллий боғлар номи: Қизилқум қўриқхонаси, Зарафшон қўриқхонаси, Нурота қўриқхонаси, Сурхон қўриқхонаси, Чотқол биосферавий қўриқхонаси; Зомин миллий боғи ва ҳ.к.

3. Халқаро ва миллий экологик ташкилотлар номини ифодаловчи аббревиатуралар: ГЭФ – Глобал Экологик Фонд, ХЭҲ – Халқаро экологик ҳамкорлик, ТМКХИ – Табиатни ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи ва шу кабилар.

4. Ҳужжат номлари (документонимлар): «Умумжаҳон табиат Харитаси», «Инсон ва биосфера» дастури, «Қизил китоб», «Табиатни муҳофаза қилишнинг умумжаҳон харитаси», «Озон қатламини муҳофаза қилиш деклорацияси», ва ҳ.к.

5. Қонун, Фармон ва Қарор номлари: «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида» Қонун (1992 йил 9 декабрь), «Давлат санитар назорати тўғрисида» Қонун (1992 йил 3 июль), «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида» Қонун (1993 йил 6 май ва шу кабилар.

6. Экология билан боғлиқ Халқаро тарихий саналар номи: 11 январь – Қўриқхоналар ва миллий боғлар умумжаҳон куни; 20 март – Халқаро она Сайёра куни; 21 март – Халқаро ўрмонлар куни; 22 март – Жаҳон сув ресурслари куни; 23 март – Халқаро метеорология куни; 2 апрель – Халқаро қушлар куни каби.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек тилининг экологик терминлар системаси кенг кўламли терминологик системалардан бири саналади. Унда фаол ҳаракатда бўлган экологик хосланган ядровий терминлар ҳамда периферия (чегара)даги терминлар тарихий-анъанавийлик, миллийлик, функционал-услубий жиҳатдан ягона экологик қатламга бирлашиб туради. Шу билан бирга ҳар битта термин ўзига хос сифат белгиларига эга.

REFERENCES

1. Аҳмедов Р. Бизга соғлом экология керак // Жамият. –Тошкент, 2011. № 36.
2. Бегматов Э., Авлоқулов Я. Ўзбек ономастикасининг микрокўлами //

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01129

Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 2008. №1.
3. Гумбольтд В. Язык и философия культуры. – Москва, 1985.
4. Искандарова Ш.Тил системасига майдон асосида ёндашув. –Тошкент: Фан, 2007.
5. Маҳмудов Н. Фан тили ва тил фани // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2013. – №5.
6. Нурмонов А. Танланган асарлар. I жилд. – Тошкент: Akademnasr, 2012.
7. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. IV жилд. –Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008.
8. Қурбонов Ш., Қурбонов А. Овқатланиш экологияси // Экология хабарномаси. –Тошкент, 2002. № 3.
9. Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2002.
10. http://strf.ru/material.aspx?CatalogId=21731&d_no=12584